



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 618.5-089.888.61-005.1:616-091.8:611.451

ТУҒРУҚДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА БАЧАДОН ИЧИ ҚОН КЕТИШИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ



Юлдашев Иброхим Босим ўғли

ОРСИД 0009-0008-1268-5349

Email: dcibrohimjon@mail.ru

Аллаберганов Дилшод Шавкатович

ORCID 0009-0003-1558-5101

Email: dilshodbek9347225@mail.ru

Каримов Расулбек Хасанович.

Email: r.karimov.86@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-0325-2709>

Аннотация: Туғруқдан кейинги даврда бачадон гипотонияси асосан туғруқдан кейинги даврда 2-4 соатдан кейин юзага келади. Бу эса ўз навбатида буйрак усти безида кескин тўлақонлик, функционал зўриқиш ўчоқлари сифатида пўстлоқ соха барча сохаларида массив дистрофик ва некробиотик ўзгаришларни юзага келиши ва 48 соат ичида липидларга бой киритмаларни бўлиши билан характерланади. Пўстлоқ сохасида жуда кўплаб диапедез қон қуйилишлар, вена томирида тўлақонлик ва оралиқ тўқимада массив инертсициал шишилар аниқланади. Буйрак усти бези пўстлоқ сохаси субкапсуляр майда ўчоқли қон қуйилишлар аниқланади.

Калит сўзлар: бачадондан аномал қон кетиши, буйрак усти бези, патоморфология.


Муаммони долзарблиги: Туғруқдан кейинги даврда бачадондан аномал қон кетиши ва оналар ўлими долзарб муаммолар бири бўлиб, бутун дунёда ахолини барча иштимой иқтисодий жихатларини белгиловчи мухи мезон бўлиб, ЮНИСЕФ 2020 маълумотлари бўйича, дунёда хомиладор аёллар ўлими 2021 йилда 287000 мингтани ташкил этган. Бу эса 72,3% ни ривожланаётган давлатлар хиссасига тўғри келишини кўрсатади. АҚШ ва Европа давлатларида оналар ўлими ўртача, 100 мингта хомиладор аёлларга 24 тани ташкил этса, Россия Федерациясида бу кўрсаткич 100 мингтага 36,5 тани, Азарбайджан, Албания, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Туркия, Қирғизистонда бу кўрсаткич 100 мингтага 61,3 тани ташкил этса, Тожикистон ва Туркменистонда бу кўрсаткич юритилмаганлиги, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2022 йилда 100 мингтага 179 тани ташкил этганлиги аниқланган. Бу кўрсаткич яънада давом эттириш мумкин бўлиб, энг кўп оналар ўлими кузатиладиган давлатлар булар учинчи давлатлар ёки ривожланаётган, МДХ давлатларида юқори кўрсаткичлар билан характерланади. Айнан, оналар ўлимида турли этиологияли танотогенезни мухим жихатлари, бу хомиладор-ликка алоқадор ва алоқадор бўлмаган касалликлар бўлиб, аксарият, репродуктив аёлларда экстрагенитал касалликларни хомиладорлик пайтида қўзиши ёки скрининг қилиш имкониятини бўлмаслиги билан характерланиб, хомиладорликни 2-3 нчи триместида тўсатдан эндокрин бузилишлар жумладан буйрак усти безининг патологиялари мухим хисобланади.

Эътиборли жихатларидан бири, бу иштимой омиллардан бири бўлган стрессор омиллар хомиладорларда кортико-гипоталамо-гипофизар ва симпатоадренал тизимни ўзаро интеграл боғлиқлигини издан чиқариши оқибатида мураккаб патогенетик механизмни юзага келиши ва жуда мавхум бўлган симпатоадренал тизимдаги бузилишлар оқибатида, хомиладор аёлларда буйрак усти безининг етишмовчилиги ёки гиперфункционал ҳолатини юзага келиши презклампсия ва эклампсия ривожланишига олиб келиши оналар ўлимни юқори кўрсаткичлар билан намоён қилади. Бу эса, мутлоқ долзарб ва муҳим бўлган муаммони айни пайтда тўғри танланганлиги ва заруратини тақозо этади. Тадқиқотимизни мазмуни ҳам турли этиологияли оналар ўлимида буйрак усти безининг патоморфологияси ва танотагенез механизмни ишлаб чиқиш ва тавсия орқали юқорида келтирилган кўрсаткичларни камайтиришдан иборатдир.

Муҳокама ва натижалар: Туғруқдан кейинги даврда бачадон гипотонияси асосан туғруқдан кейинги даврда 2-4 соатдан кейин юзага келади. Бу эса ўз навбатида буйрак усти безида кескин тўлақонлик, функционал зўриқиш ўчоқлари сифатида пўстлоқ соха барча сохаларида массив дистрофик ва некробиотик ўзгаришларни юзага келиши ва 48 соат ичида липидларга бой киритмаларни бўлиши билан характерланади. Пўстлоқ сохасида жуда кўп рақаб диapedез қон қуйилишлар, вена томирида тўлақонлик ва оралик тўқимада массив интертсциал шишилар аниқланади. Буйрак усти бези пўстлоқ сохаси субкапсуляр майда ўчоқли қон қуйилишлар аниқланади.

1. Эрта (ўткир) босқич:- Кортикал қаватда:


Синусоид капиллярларнинг спазми ва коллапси, паренхима хужайраларида дистрофик ўзгаришлар (гидропик ва вакуоляр дистрофия), цитоплазманинг бўшашиши, митохондрия шикастланиши, ядроларида пикноз (ядро кичрайиши), интертсциал тўқимада енгил даражада оралик шиш ривожланиши аниқланади.




1-Расм. Буйрак усти бези тутамли ва тўрсимон сохани чегарасида цитоплазмасида липидли киритмалар кўпайган спангиоцитлар аниқланади. Спангиоцитларда дистрофик ва некробиозга учрган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40x10.

Буйрак усти пўстлоқ сохаси гломеруляр ва тутамли сохаси эпителий хужайралари гиперпродукцияси натижасида функционал зўриқиш юзага келиши камига гемодинамик бузилишлар оқибатида юзага келган ўткир ишемия тўқимада метаболик бузилишлар юзага келишига олиб келиши, спангиоцитларни ички ресурсларини тугашига олиб келади.

Натижада буйрак усти беzi паренхимасида некроз олди жараёни глюкокортикоидлар етишмовчилига ва адаптация механизмаларини тормозланишига олиб келганлиги билан тушунтирилади.



2-Расм. Буйрак усти беzi тутамли соха спангиоцитларни цитоплазмасида массив липидли киритмалар аниқланади. Стромада томирлар тўлақонлик кўринишида. Оч ва тўқ хужайралар спангиоцитлар ва секретор эпителиларни яққол фарқланиб кўринишида. Бўёк Г.Э. Ўлчами 20x10.



3-Расм. Туғруқдан кейинги массив қон кетишдан кейинги потсгеморрагик шокда буйрак усти беzi тутамли сохаси. Спангиоцитлар некробиоз ҳолатида ва стромада капилляростаз ва некроз ўчоқлари аниқланади. Эски чандиқ сохаларида қизилд рангда коллаген тола тутамлари аниқланади. Бўёк Г.Э. Ўлчами 20x10.

Ишемия чуқурлашиши оқибатида, эндокрин без ҳисобланаган лабил хужайраларни ақсариятида некробиоз жараёни кучайиши қон қуйилиш ва паренхимани кескин камайишига олиб келади.


2. Ўрта босқич (ишемия чуқурлашганда):

Кортикал қаватда (айниқса zona fasciculata ва zona reticularis): Коагуляцион некроз, геморрагиялар (эритроцитларнинг тўқимага чиқиши), синусоидлар кенгайиши ва қон билан тўлиши (стаз) аниқланади.

Хужайраларда: ядро лизиси (кариолизис), цитоплазма эозинофилияси ошиши, лейкоцитар инфильтрация ўчоқлари юзага келганлиги аниқланади.

3. Оғир ва узоқ давом этган ҳолатларда: кортикал қаватда: кенг кўламли геморрагик некроз, архитектониканинг бузилиши, мағиз қаватида: нисбатан кам, лекин стаз ва майда геморрагиялар кузатилиши мумкин. Қон томирларда:

Микротромбозлар айниқса ДВС-синдром аниқланади.



4-Расм. Буйрак усти бези мағиз қавати тўқ хужайраларида массив некроз ва катехоламин ишлаб чиқарувчи хужайралар некробиози. Ораликда интерстициал шишилар шиш аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20x10.

Туғруқдан кейинги ўткир қон кетиши, ўртача 1,0-1,7 литр қон кетишида буйрак усти бези некрозига ва барча сохаларидаги хужайраларни массив некрозланишига мағиз қаватда веноз тўлақонлик ва диапедез қон қуйилиши, буйрак усти бези етишмоавчилигига олиб келиши билан тугалланиб, беморларда клиник морфологик жихатдан ўткир буйрак етишмовчилиги, ички парнехиматоз аъзоларда шокли манзарани юзага келиши ва полиорган етишмовчилигига олиб келиши билан намоён бўлади.

Хулоса

Морфологик жихатдан даражада асосий ўзгаришлар ишемик дистрофия, коагуляцион некроз ва геморрагия бўлиб, улар асосан буйрак усти бези кортикал қаватида жойлашади. Бу ўзгаришлар гормон ишлаб чиқаришни кескин пасайтиради ва қон кетишдан кейин ривожланган потсгеморрагик шокни яънада оғирлашиши асосан микроциркулятор ўзанларда гемодинамик бузилишлар билан тугалланганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Артикова Д. О. и др. ВЗАИМОСВЯЗЬ ИНФЕКЦИИ МОЧЕВЫВОДЯЩИХ ПУТЕЙ И ПРЕЖДЕВРЕМЕННОГО РАЗРЫВА ПЛОДНЫХ ОБОЛОЧЕК У БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ //Наука и образование сегодня. – 2025. – №. 3 (84). – С. 113-115.
3. Каримов Р. Х. и др. Ятрогения в неонатологии (по данным лет. Обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-78.
4. Каримов Р. Х. и др. Врачебные ошибки в практике акушеров-гинекологов //past and future of medicine: international scientific and practical conference. – 2023. – Т. 2. – С. 114-117.
5. Рузibaев Р. Ю., Шейхова Х. К., Каримов Р. Х. МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ХАРАКТЕРИСТИКА АНОМАЛЬНЫХ МАТОЧНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ У ЖЕНЩИН, ПРОЖИВАЮЩИХ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ //AMERICAN JOURNAL OF APPLIED MEDICAL SCIENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 61-69.

6. Рузibaев Р. Ю. и др. АНОМАЛЬНЫХ МАТОЧНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ У ЖЕНЩИН, ПРОЖИВАЮЩИХ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ //INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION. – 2024. – Т. 1. – №. 11. – С. 110-112.

7. Юлдашев Б. С. и др. Хомила ва янги туғилган чақалоқлар мурдасининг суд тиббий экспертизаси (Текшируви) //Ўқув қўлланма: Т.:“О ‘ZKITOBSAVDONASHRIYOTI’” NMIU. – 2023. – Т. 96.

8. Каримов Р. Х., Джуманиязова Н. С., Ражабова Ш. Ш. ПАТОЛОГОАНАТОМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЖЕНСКОЙ ПЛАЦЕНТЫ, ПОГИБШЕЙ В РЕЗУЛЬТАТЕ МАТОЧНОГО КРОВОТЕЧЕНИЯ //SHOKH LIBRARY. – 2025.

9. Каримов Р. Х. и др. ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВ АППАРАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ //INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 13-13.

10. Раджапов А. А. и др. Муддатига етмасдан туғилган чақалоқларда буйрак патологиялари //SYNAPSES: Insights across the disciplines. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 119-124.

11. Quryazov S., Ollaberganov M., Karimov R. ONASIDA BUYRAK KASALLIGI BO‘LGAN HOMILADOR AYOLLARDAN TUG‘ILGAN XOMILA SIYDIK-AJRATISH TIZIMINING MORFOLOGIYASI //SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 76-83.

12. Рузibaев Р. Ю., Шейхова Х. К., Каримов Р. Х. РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШНИНГ MORFOЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ //SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 70-75.

13. Ражапов А. А. и др. Туғруқ травмаларида чақалоқларнинг ўлим сабаблари //international scientific innovation research conference. – 2024. – Т. 1. – №. 9. – С. 20-22.

14. Турсунов Х. З. и др. Буйрак ва буйрак усти беши касаллиги, уни даволаш усуллари ҳамда асоратлари (адабиётлар шарҳи). – 2022.

15. Каримов Р. и др. MORFOФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПЛАЦЕНТ ПРИ БЕРЕМЕННОСТИ, НАСТУПИВШЕЙ ПОСЛЕ ПРИМЕНЕНИЯ ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ РЕПРОДУКТИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ //South Aral Region Medical Journal. – 2025. – Т. 1. – №. 4. – С. 674-680.

16. Закиров М., Рузibaев Р., Каримов Р. КЛИНИКО-MORFOЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОРАЖЕНИЯ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИХИМИОТЕРАПИИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 159-165.

17. Quryazov S., Ollaberganov M., Karimov R. ONASIDA BUYRAK PATOLOGIYASI BO‘LGAN HOMILALARDA SIYDIK QORI MORFOLOGIYASI //SOUTH ARAL SEA MEDICAL JOURNAL. – 2025. – Т. 1. – №. 2. – С. 57-63.

18. Абдураимов Т. М. и др. РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БУЙНИ РАКЛАРИДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШНИНГ MORFOЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ТАСНИФИ //South Aral Region Medical Journal. – 2025. – Т. 1. – №. 4. – С. 141-146.

19. Ражапов А. А. Каримов Расулбек Хасанович, Ходжаева Дилфуза Камиловна, & Бекчанов Азизбек Жуманазарович.(2025) //БОШ МИЯ ТУҒРУҚ ЖАРАЁНЛАРИДА



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ЧАҚАЛОҚЛАР ЎЛИМИ. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES. – Т. 1. – №. 9. – С. 25-27.

20. Атамуратов С., Раджапов А., Каримов Р. НЕФРОЭКТОМИЯДАН КЕЙИН ЛИМФА ТУГУНЛАРИДАГИ РЕАКТИВ ЎЗГАРИШЛАРНИ БАХОЛАШ //South Aral Region Medical Journal. – 2025. – Т. 1. – №. 4. – С. 126-130.

